КУШОН ШАҲАРСОЗЛИГИДА ДИНИЙ ИНШООТЛАРНИНГ ЎРНИ



doi 10.47267/2181-8207/2021/4-094



Темурхон Жаҳонов,
Ўзбекистон Фанлар академияси Санъатшунослик институти таянч докторанти
(Ksenipa6969@mail.ru)

Annotation. The article presents a research analysis of the types and characteristics of religious buildings in the urban planning of Kushan. Religious buildings are classified according to which part of the city they are located and to which religion they belong. The author also reveals the role of religious buildings in urban planning. So, during the Kushan Empire, Buddhism was widespread. In northern Bactria, Buddhist structures Karatepa, Fayaztepa, Zurmala were discovered on the territory of old Termez. No less significant finds were dakhmas, altars belonging to the Zoroastrian religion. Research carried out by archaeologists G. Pugachenkova, V. Nielsen and A. Shukurov showed that similar religious structures were erected on the outskirts of the city, as well as inside residential areas. Another religion prevalent during the Kushan era is "dynastic worship." The buildings of this religion were mainly characteristic of India, Afghanistan, and were also found on the monument. Khalchayan in Northern Bactria. Nevertheless, as the author notes, most of the religious buildings of the Kushan times belong to Buddhism.

Калит сўзлар: диний иншоот, ступа, вихара, буддавийлик, зардуштийлик, «сулолавий» сиғиниш, тош ибодатхона, эҳромлар, монастир, черков

Инсоният тарихида қуриш, бино бунёд этиш ўзлаштирилган дастлабки вақтларданоқ диний иншоотлар барпо қилиниши кузатила бошланди. Шаҳарлар пайдо бўлар экан, алоҳида жойларда диний иншоот (эҳромлар, зиккурат, мақбара)лар ҳам қад кўтарди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, диний иншоотлар маълум бир даврдаги диний эътиқод ҳақида хабар берувчи энг қимматли манба ҳисобланади. Бундай иншоотнинг меъморий ечими, шаҳардаги жойлашуви унинг шаҳарсозликдаги аҳамияти ва маълум диннинг жамиятдаги ўрни ҳақида маълумот беради.

Шимолий Бақтрия ҳудудидаги кушонлар даврига оид ёдгорликлар топилиши таҳлилига кўра, дастлаб айнан диний иншоотлар аниқланган.

1926-1928-йилларда Эски Термизда тадқиқот олиб борган Шарқ маданияти музейи тадқиқотчилари иштирокидаги экспедициянинг илк мавсумида олим А.С.Стрелков томонидан шаҳар четидаги «Зурмала» минораси буддавийлик ступаси эканлигини аниқланди[1]. Кейинчалик иншоот атрофидан аниқланган топилмалар ҳамда уни қуришда ишлатилган квадрат шаклдаги хом ғиштлигига асосланиб, ушбу иншоот антик даврга тегишли эканлиги қайд қилинди. Г.А.Пугаченкованинг тадқиқотлари давомида Зўрмала буддавийлик ступаси сифатида ўз тасдиғини топган бўлсада, иншоот якка қурилганми ёки бизгача сақланмаган мажмуанинг бир қисми деган савол очиқ қолади[2].

Буддавийлик кушонлар даврида кенг тарқалган ва ҳокимият томонидан қўллаб-қувватланган дин ҳисобланади. Мавжуд ёзма манбаларга кўра, ушбу ҳудудларда буддавийлик ибодатхоналари талайгина бўлган. Сўнгги йиллардаги илмий таҳлилларга кўра, 1926-1988 йиллар мобайнида Ўрта Осиёда 28та буддавийлик иншооти аниқланган, шундан 16 таси Бақтрия-Тохаристон ҳудудига тўғри келади.[3].

Кушонлар даври ёдгорликларида мавжуд диний эътиқод учун мўлжалланган иншоот-



Зурмала ступаси. Пугаченкова ва Фурушо томонидан тикланган

[1] Болганова М.С Архитектура буддийских памятников Средней Азии: Диссертация на соискание кандидата архитектуры: Ташкент, 2010. С 16.

[2] Ўша жой. Б.18.

ларни шаҳардаги ўрнига қараб, ташқарида ва ичкарида жойлашган иншоотларга бўлиш мумкин. Бундан ташқари, диний иншоотларнинг қайси эътиқодга мансублигидан келиб чиқиб, буддавийлик иншоотлари, «сулолавий» сиғиниш ва зардуштийлик динига оид иншоотларга ажратиш мумкин.


Айниқса йирик шаҳарларда диний иншоотлар мавжудлиги шаҳарнинг диний марказ сифатидаги вазифасини кўрсатади. Мисол учун, Жанубий Бақтрия шаҳарлари орасида Дилбержин ёдгорлигида аниқланган диний иншоотлар шаҳарни диний марказ сифатида намоён этади. Бунга қарама-қарши равишда Жагаттепа ва Эмшитепада диний иншоотларнинг мавжуд эмаслиги тадқиқотчилар томонидан тасодиф дея баҳоланиши бироз ҳақиқатдан узоқ дейиш мумкин[4]. Боиси диний иншоотлар топилмаслиги археологик изланишларнинг кўлами билан боғлиқ. Кушонлар даври маданий қатламларига эга кичик шаҳар ва қалъаларда диний иншоотлар камдан-кам учрайди[5]. Тахти-Сангин ёдгорлигида эса бутун шаҳар диний иншоот атрофида жамланган. Шундай экан, диний иншоотларнинг шаҳарда ўрин топиши алоҳида қонуният эмас, балки маҳаллий ва сиёсий вазиятга боғлиқ бўлган.

Эллинизм даврида ҳудудга кириб келган турли юнон илоҳларига сиғиниш урфи кушонлар вақтида ҳам сақланиб қолган. Аммо бу кўпроқ меъморий безак, ҳайкалтарошлик ва турли терракота ҳайкалчаларда ўз ифодасини топган.

Ўрта Осиёдаги буддавийлик ёдгорликларининг архитектурасини тадқиқ этган М.С.Болганова буддавийлик иншоотларини диннинг ватани - Ҳиндистондаги меъморий иншоотларга асосланиб, ступа, ибодатхона, монастирлар каби турларга бўлиб чиқади[6]. Бироқ сўнгги йилларда тадқиқотчи Т.Г.Дорофеева диний иншоотлар тарихига бағишланган изланишларида буддавийлик иншоотларини қуйидаги турларга бўлади: ступа, тош ибодатхона ва зиёратгоҳлар (святилища, чайтя), кейинчалик ердаги ибодатхоналар, монастирлар ва монастир мажмуалари (виҳара)[7]. Ушбу таснифни буддавийлик иншоотларининг ривожланиб боришига асосланиб, типлаштириш сифатида қабул қилиш мумкин. Бу эса кушонлар давридаги буддавийлик иншоотларини келиб чиқиши ва қурилиши кетма-кетлигини аниқлашда ҳам муҳим ҳисобланади.

Буддавийлик иншоотлари орасида кенг тарқалган Шимолий Бақтрия шаҳарларида учрайдиган иншоот - Ступа санскритчадан олинган бўлиб, «тож, тош уюми, тупроқ уюми» деган маъноларни беради. Иншоотнинг бундай номланиши фақат Ҳиндистон ва Непалга хос бўлиб, Шри-Ланкада «дагоба», Маямада «зеди» ёки «пато», Таиландда «чеди» ва «пранн», Тибетда «чортен», Мўғулистонда «суварга» каби номлар билан аталган[8]. Иншоотнинг функционал вазифаси дин учун муқаддас ҳисобланган буюмларни сақлаш ва кейинчалик унинг атрофида маросим ўтказиш учун мўлжалланган. Ступаларнинг архитектураси турли давлатларда ўзгариши мумкин, аммо асосий беш таркибий қисми сақланиб қолади: таглик, зинапоя, гумбаз (яримшар), тепа қисми (поммел), гумбаз учи[9]. Айрим тадқиқотларда ступанинг таркибий тузилиши олти қисмга ҳам бўлинади: платформа асоси, цилиндрсимон барабан, сфера шаклидаги гумбаз, устун (мачта), гумбаз учи ва соябон қисми[10]. Ступа атрофи ўраб олиниб, дунё томонларига мос равишда дарвозалар жойлаштирилган. Ступалар лама, яъни маълум ўқув ва кўникмаларга эга бўлган мутахассис томонидан қурилган.

Шимолий Бақтриянинг кушонлар даври маданий қатламларига эга Эски Термиз шаҳридан аниқланган Қоратепа, Фаёзтепа, Зурмала каби иншоотлар муҳим ўрин эгаллайди. Эски Термиз шаҳрининг шимоли-ғарбий қисмида жойлашган Қоратепа буддавийлик мажмуасининг умумий майдони саккиз гектардан иборатлиги учта табиий тепаликка бунёд этилгани, милодий I-IV асрларда буддавий-



Зурмала ступаси. А.Улмасов томонидан тикланган кўриниши

Буддавийлик иншоотлари орасида кенг тарқалган Шимолий Бақтрия шаҳарларида учрайдиган иншоот - Ступа санскритчадан олинган бўлиб, «тож, тош уюми, тупроқ уюми» деган маъноларни беради. Иншоотнинг бундай номланиши фақат Ҳиндистон ва Непалга хос бўлиб, Шри-Ланкада «дагоба», Маямада «зеди» ёки «пато», Таиландда «чеди» ва «пранн», Тибетда «чортен», Мўғулистонда «суварга» каби номлар билан аталган

[3] Болганова М.С Архитектура буддийских памятников Средней Азии: Диссертация на соискание кандидата архитектуры: Ташкент, 2010. С. 148.

[4] Мунчаев Р.М, Кошеленко Г.А, Гаибов В.А. Кушанский город Бактрии (По результатам работ Советско-Афганской археологической экспедиции) // 2014. С. 42.

[5] Ўша жой. Б. 42-43.

[6] Ўша жой. Б. 51-52.

[7] Дорофеева Т.Г. Культовые сооружения в истории религии. Пенза: : РИО ПГСХА, 2015. С. 88.

[8] Ўша жой

[9] Ўша жой. Б. 89.

[10] Болганова М.С Архитектура буддийских памятников Средней Азии: Диссертация на соискание кандидата архитектуры: Ташкент, 2010. С. 52.



лик маркази бўлганлиги аниқланган[11]. Фаёзтепа ўрнидаги илк буддавийлик иншоотининг пайдо бўлган даври милоддан аввалги I асрнинг охири – милодий I асрнинг биринчи ярми эканлиги тадқиқотлар давомида ўз исботини топади[12].

Кушонлар даври эътиқодларига назар ташлайдиган бўлсак, бир нечта динларга сиғинилганини кўриш мумкин. Давлатда энг аввало «сулолавий сиғиниш» мавжуд бўлган, дастлаб нумизматик манбаларда сулола ҳукмдорларининг иконографиясида ўз аксини топади. Кейинчалик археологик қазишмалар натижасида аниқланган сулолавий мажмуаларда қайд қилинган. Бундай турдаги биринчи мажмуа Ҳиндистондаги Матда аниқланган. Ушбу мажмуада кушон ҳукмдорларидан Вима Токто, Канишка ҳамда бошқаларнинг тошдан ишланган ҳайкаллари топилган. Бу турдаги сулолавий ибодатхона Шимолий Афғонистондаги Сурх-Кўтал ёдгорлигида ҳам аниқланган. Сурх-Кўталдаги сулолавий ибодатхонадан фарқли тарафи ҳукмдор ҳайкаллари лойдан ишланган[13]. Сулолавий сиғиниш мажмуалари Шимолий Бақтрия ҳудудида ҳам аниқланган, ўтган асрнинг 50-йиллари охири ва 60-йиллари бошида Холчаён ёдгорлиги топилгач, дастлабки мулоҳазаларга кўра, илк кушонлар саройи деб талқин қилинган. Мажмуа деворлари лойдан ишланган ҳайкаллар билан безатилган. Ўша вақтда аниқланган меъморий иншоот йирик мажмуанинг бир қисми бўлиб, сақланган манбалар ҳам ушбу мажмуани сулолавий ибодатхона дейишга асос бўлиши таъкидланади. Ўзбек-француз экспедицияси томонидан Чингизтепа ҳудудидаги қазишмаларда ҳам сулолавий сиғинишга оид бўлган иншоот қолдиқлари аниқланган. Аммо иншоот етарли даражада сақланмаганлиги туфайли, унинг архитектураси ҳақида фикр юритиш мушкул[14].

Кушонлар даври эътиқодларига назар ташлайдиган бўлсак, бир нечта динларга сиғинилганини кўриш мумкин. Давлатда энг аввало «сулолавий сиғиниш» мавжуд бўлган, дастлаб нумизматик манбаларда сулола ҳукмдорларининг иконографиясида ўз аксини топади

Сўнгги тадқиқотларда академик Эдвард Ртveладзе Эски Термиз шаҳридан 18 км ғарбда аниқланган Айритом ёдгорлигига эътибор қаратиб, топилган ҳайкал блокидаги ёзувларни таҳлил қилади. Ёзувларда буддавийликка оид маълумотлар учрамагани, аксинча, барча атамалар Қадимги Эрон ва авесто билан боғлиқлиниги таъкидлайди. Ушбу ёзувнинг бошланишида Кушон ҳукмдори Хувишка ҳукуматининг тўртинчи йили деб қайд этилиб, Айртомда қурилган диний иншоот тадқиқотчиларнинг дастлабги фаразига кўра буддавийлик динига оид эмас, ҳукмдор Хувишкага аталган сулолавий сиғиниш эканлиги илгари сурилди. Тадқиқотчи ўз вақтида аниқланган Айритом тош плиткаларидаги мусиқачилар буддавийликнинг «Панча-махашаб» концепцияси асосида эмас, балки сулолавий маросим билан боғлик эканлигини билдиради[15]. Ушбу хулосалар кушонлар даврида сулолавий сиғиниш билан боғлиқ диний иншоотлар муҳим ўрин тутганлигини ҳамда Кушон ҳукмдорларидан Вима Токто, Канишка билан бир қаторда ҳукмдор Хувишка номи билан боғлиқ сулолавий сиғиниш мавжуд бўлганлиги билан долзарбдир. Шу билан бирга кушонлар даврига тегишли диний иншоотлар орасида сулолавий сиғиниш билан боғлиқ мажмуаларни алоҳида ўрганиш муҳим эканлигини кўрсатмоқда.

Кушонлар даврига оид зардуштийлик динига мансуб иншоотлар – даҳма ва алтарлар ҳам топилган. Даҳмалар асосан шаҳар атрофларида қайд этилган, алтарлар турли жойларда ҳатто баъзи турар-жойларда ҳам учрайди. Галина Пугаченкова Холчаён ёдгорлигида тадқиқотлар олиб бориш мобайнида даҳмага дуч келгани қайд этилади. Г.А.Пугаченкова архитекторлар В.А.Нильсен ва А.В.Шукуров ҳамроҳлигида 1960 йилларда Далварзинтепанинг топографик тарҳини олгани ва «наус» (уздана)га дуч келганлиги ҳам маълум. Тадқиқотлар давомида уздананинг тепа қисмидан даҳма сифатида фойдаланилганлигини таъкидланади[16].

Ўзбекистон Фанлар академияси академиги Эдвард Ртveладзе Кампиртепа ёдгорлигида зардуштийларнинг муқаддас китоби Авестонинг Видевдат қисмида тилга олинган уч турдаги дафн иншоотлари – ката, даҳма ва уздана очиб ўрганилганлигини қайд этган[17].

[11] Археологические работы Узбекистано-Корейской экспедиции в буддийском культовом центре Каратепа в Старом Термезе в 2011-2014 гг. / Пидаев, Баратова, Ким Донхун, Ли Чиён, Улмасов, Ли Усоп, Под ред. Пидаев Ш.Р. . Теджон: 2019. С. 25-31.

[12] Аннаев Ж Тармита - Термиз буддавийлик марказлари маданияти : автореф. дис. ... Phd тарих фан: 07.00.01. Т, 2021. С. 16.

[13] Мкртычев Т.К. Кушанское искусство Северной Бактрии (Южный Узбекистан): основные характеристики // Творческие процессы и концепции. 2019. № 4. С. 548-563.

[14] Ўша жой.

[15] Ртveладзе, Э. В. Айртам – династийный храм царя Хувишки // Вестник древней истории. — 2018. — № 2 (78) . - С. 365-368.

Бунга қўшимча равишда Ялангтўштепа ва Тепаи-Шоҳ ёдгорликларида ҳам науслар учраши, шаҳардан узоқроқда жойлашган даҳмаларда майитлар сақланганлиги ва маълум вақт ўтгач, суяклари йиғиб келинганлиги тадқиқотчилар томонидан таъкидланади[18]. Тадқиқотчи Қ.Тошалиев Ўрта Осиёдаги зардуштийликка оид иншоот ҳисобланмиш даҳмаларга бағишланган изланишларида юқоридаги маълумотларга асосланиб, Шимолий Бақтрия ҳудудидан антик даврга оид ёдгорликларда ҳам бундай турдаги иншоотлар аниқланганини ҳамда даҳмаларнинг келиб чиқиши бронза даврга бориб тақалишини таъкидлайди[19].

Хулоса қиладиган бўлсак, Шимолий Бақтриядаги кушонлар даври маданий қатламларига эга шаҳарларда шу пайтга қадар буддавийлик, зардуштийлик, аждодлар руҳига сиғиниш эътиқодига мансуб диний иншоотлар аниқланган. Улардан энг кўп тарқалгани сифатида буддавийлик иншоотлар дейишимиз мумкин. Бундай иншоотлар шаҳар ташқарисида, шаҳар марказида жойлашган. Бундан кўриниб турибдики, кушонлар даврида буддавийлик дини муҳим ўрин тутганлиги сабабли шаҳарга ёндош ҳамда шаҳар марказидан ҳам диний иншоот қуриш учун жой ажратилган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Болганова М.С Архитектура буддийских памятников Средней Азии: дис. ... кандидат архитектура наук: 18.00.01. Ташкент, 2010. С 16.

2. Дорофеева Т.Г. Культовые сооружения в истории религии. Пенза: : РИО ПГСХА, 2015. С 88.

3. Пугаченкова Г., Ртвеладзе Э. Северная Бактрия-Тохаристан. Т., 1990. С82.

4. Ртвеладзе Э.В. Зороастризм в Бактрии // «Авеста» и его место в истории развития человечества. Ташкент-Урганч, 2001. С. 99-102.

5. Ртвеладзе, Э. В. Айртам – династийный храм царя Хувишки // Вест-ник древней истории. — 2018. — № № 2 (78) . - С. 365-368.

6. Тошалиев Қ. Среднеазиатские дахмы // Муғаллим ҳам узликсиз билимлендири. Илимий-методикалық журнал. Некис, 2019.104-107 б.

7. Аннаев Ж. Тармита–Термиз буддавийлик марказлари маданияти : автореф. дис. ... Phd тарих фан: . Т, 2021. С. 16.

8. Мкртычев Т.К. Кушанское искусство Северной Бактрии (Южный Узбекистан): основные характеристики // Творческие процессы и концепции. 2019. № 4. С. 548-563.

Шимолий Бақтриядаги кушонлар даври маданий қатламларига эга шаҳарларда шу пайтга қадар буддавийлик, зардуштийлик, аждодлар руҳига сиғиниш эътиқодига мансуб диний иншоотлар аниқланган. Энг кўп тарқалгани сифатида буддавийлик иншоотлар дейишимиз мумкин

[16] Пугаченкова Г.А. Халчаян. Т., 1966. С 242.

[17] Ртвеладзе Э.В. Зороастризм в Бактрии // “Авеста” и его место в истории развития человечества. Ташкент-Ургенч, 2001. С. 99-102.

[18] Пугаченкова Г., Ртвеладзе Э. Северная Бактрия-Тохаристан. Т., 1990. С 82.

[19] Тошалиев Қ. Среднеазиатские дахмы // Муғаллим ҳам узликсиз билимлендири. Илимий-методикалық журнал. Некис, 2019.104-107 б.

Темурхон Жахонов – докторант Института искусствоведения Академии наук Узбекистана.

В статье представлен исследовательский анализ типов и характеристик религиозных построек в градостроительстве Кушана. Религиозные сооружения классифицируются в зависимости от того, в какой части города они расположены и к какой религии принадлежат. Автор также раскрывает роль культовых построек в градостроительстве. Так, во времена Кушанской империи широко был распространен буддизм. В северной Бактрии буддийские сооружения Каратепа, Фаязтепа, Зурмала были обнаружены на территории старого Термеза. Не менее значимыми находками оказались дахмы, алтари, принадлежащие зороастрийской религии. Исследования, проведенные археологами Г.Пугаченковой, В.Нильсеном и А.Шукуровым, показали, что подобные религиозные сооружения возводились по окраинам города, а также внутри жилых массивов. Еще одна религия, распространенная во времена Кушана, - это «династийное поклонение». Сооружения этой религии в основном характерны были Индии, Афганистану, обнаружены также на памятнике Халчаян в Северной Бактрии. Тем не менее, как отмечает автор, большая часть религиозных сооружений времен Кушана относится к буддизму. ■

Кушонлар даврида буддавийлик дини муҳим ўрин тутганлиги сабабли шаҳарга ёндош ҳамда шаҳар марказидан ҳам диний иншоот қуриш учун жой ажратилган